

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„12“ апрель 2018 й. г. № 285

Тошкент ш. – г. Тошкент

**Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган,
кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй-жой
шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арzon уй-жойлар бериш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-
кувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 2 февралдаги
ПФ-5325-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, оғир ижтимоий вазиятга тушиб
қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини
тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналар
учун қулай шароит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги
бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган
ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арzon уй-жойлар бериш
тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб кўйилсинки:

а) оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган,
кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй-жой
шароитини яхшилашга муҳтож оналар (кейинги ўринларда уй-жойга муҳтож
хотин-қизлар деб аталади) учун арzon уй-жойлар қуриш Ўзбекистон Республикаси
Президентининг “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгилangan намунавий
лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида” 2016 йил
21 октябрдаги ПҚ-2639-сон ҳамда “2017-2020 йилларда шаҳарларда арzon кўп
квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга
ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 23 октябрдаги
ПҚ-3350-сон қарорлари (кейинги ўринларда Дастурлар деб аталади) доирасида
амалга оширилади;

б) уй-жойга муҳтож хотин-қизларга арzon уй-жойлар имтиёзли ипотека
кредити асосида белгиланган тартибда туман (шаҳар)лар тоифасидан келиб чикиб,
хар йили қуидаги ҳажмда ажратилади:

I тоифага кирадиган туманларда – биттадан икки, уч қаватли уйлардаги
хонадонлардан (2-3 хонали) ва бештагача ҳовлидаги иморатлари билан
0,02 гектарли ер участкаларида 2-3 хонали бир қаватли уй-жойлардан;

II тоифага кирадиган туманларда – иккитадан икки, уч қаватли уйлардаги хонадонлардан (2-3 хонали) ва саккизтагача ҳовлидаги иморатлари билан 0,02 гектарли ер участкаларида 2-3 хонали бир қаватли уй-жойлардан;

I тоифага кирадиган шаҳарларда ҳамда Тошкент шаҳрининг туманларида – олтитагача кўп қаватли уйлардаги хонадонлардан (2-3 хонали);

II тоифага кирадиган шаҳарларда – ўнтағача кўп қаватли уйлардаги хонадонлардан (2-3 хонали);

в) ногиронлиги бўлган хотин-қизларга кўп қаватли арzon уйларнинг биринчи ва иккинчи қаватларидан хонадонлар ажратилади.

3. Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-куватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгashi ва “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргалиқда ҳар йили тасдиқланадиган сметалар доирасида уй-жойга муҳтоҷ хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш учун зарур маблағларни назарда тутиш тўғрисидаги таклифлари инобатга олинсин.

4. Белгилансинки:

а) уй-жойга муҳтоҷ хотин-қизлар учун бериладиган арzon уй-жойлар қиймати тўловининг:

25 фоизи Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-куватлаш жамоат фонди, талабгор ишлаётган ташкилот ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига (бошланғич бадал сифатида);

75 фоизи ипотека асосида тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ҳисобига молиялаштирилади;

б) уй-жойга муҳтоҷ хотин-қизлар учун ажратиладиган имтиёзли кредитларни қоплаш:

талабгорниң ўз маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

талабгор кам таъминланган, доимий даромадга эга бўлмаган ва кредитни қоплашга лаёқати етарли бўлмаган тақдирда у ишлаётган ташкилот, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгashi, “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

5. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргалиқда уй-жойга муҳтоҷ хотин-қизлар уй-жой билан таъминланиши оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсинлар.

6. Мазкур қарорниң бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.К. Нарбаева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “12” апрелдаги
285-сон қарорига
илова

**Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги
бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган
ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арzon уй-жойлар
бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар куриш дастури тўғрисида” 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639-сон ҳамда “2017-2020 йилларда шаҳарларда арzon кўп квартирали уйларни куриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 23 октябрдаги ПҚ-3350-сон қарорлари (кейинги ўринларда Дастурлар деб аталади) асосида оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арzon уй-жой бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

арzon уй-жойлар – Дастурлар доирасида қўшимча муҳандислик ва ижтимоий инфратузилма билан комплекс ҳолда қурилган кўп қаватли кўп хонадонли (2 ва 3 хонали) ва майдони 0,02 гектар бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли (2 ва 3 хонали) уйлар;

ариза берувчи – уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида Комиссияга ариза берган уй-жойга муҳтож хотин-қизлар (агарда ногиронлиги бўлган хотин-қизлар ўзлари мурожаат этиш имконияти бўлмаган тақдирда, туман (шаҳар) секторлари раҳбарлари уларнинг номидан ариза бериши мумкин);

Дастурда иштирок этиш учун ариза ва ҳужжатлар тақдим этишининг охирги санаси – кейинги йилда Дастурда иштирок этиш истагини билдирган барча ариза берувчиларнинг рўйхатини шакллантириш учун ҳар йиллик асосида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланадиган Дастурда иштирок этиш учун ариза тақдим этилишининг охирги санаси;

ёзма тавсия – уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида Дастурда иштирок этиш учун ариза берувчига Комиссия томонидан бериладиган ёзма тавсия;

ижтимоий мезонлар – Комиссия томонидан талабгорларни танлаш ва Дастурда иштирок этишда уларнинг ижтимоий устуворлигини белгилаш учун фойдаланиладиган ариза берувчиларнинг ижтимоий ва уй-жой шароитларининг асосий кўрсаткичлари;

инжиниринг компанияси – Дастурлар доирасида арzon уй-жой куриш учун уй курувчи билан тузилган шартнома бўйича буюртмачи функциясини бажарувчи “Қишлоқ қурилиш инвест” ва “Ўзшаҳар қурилиш инвест” инжиниринг компаниялари;

иштирок этувчи тижорат банклари – Дастур доирасида арzon уй-жойлар қуришни молиялаштиришда иштирок этувчи тижорат банклари;

кам таъминланган оила – ойлик жами даромади ҳар бир оила аъзосига белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдоригача тўғри келадиган оила;

Комиссия – талабгорларни танлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг “Ариза берувчи-уй қурувчининг 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойихалар бўйича арzon уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 9 февралдаги 103-сон хамда “Кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштириш, шунингдек ёш оиласарга, эскирган уй-жойларда яшаётганларга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларига сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 16 январдаги 14-сон қарорлари билан тузилган ҳудудий комиссиялар;

рўйхат – уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида Дастурда иштирок этиши учун ариза берувчилар ичидан Комиссия томонидан тасдиқланган уй-жойга муҳтож талабгорлар рўйхати;

талабгор – арzon уй-жой бериш учун Комиссиянинг рўйхатига киритилган уй-жойга муҳтож хотин-қизлар;

туман (шахар) тоифалари – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарорида назарда тұтилган туман (шахар)ларнинг I ва II тоифалари;

уй-жойга муҳтож хотин-қизлар – оғир ижтимоий вазиятта тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашган муҳтож оналар;

уй-жой қурувчи – Дастурлар доирасида арzon уй-жойлар қуриш учун белгиланган тартибда буюртмани расмийлаштирган, унга нисбатан иштирок этувчи тижорат банкининг Дастурлар доирасида арzon уй-жой қуриш учун ипотека кредити бериш тўғрисида ижобий қарори қабул қилинган шахс.

3. Уй-жойга муҳтож хотин-қизларга Дастур доирасида курилаётган арzon уй-жойлар имтиёзли ипотека кредити асосида туман (шахар)лар тоифасидан келиб чиқиб, ҳар йили қўйидаги тартибда ажратилади:

I тоифага кирадиган туманларда – биттадан икки, уч қаватли уйлардаги хонадонлардан (2-3 хонали) ва бештагача ҳовлидаги иморатлари билан 0,02 гектарли ер участкаларида 2-3 хонали бир қаватли уй-жойлардан;

II тоифага кирадиган туманларда – иккитадан икки, уч қаватли уйлардаги хонадонлардан (2-3 хонали) ва саккизтагача ҳовлидаги иморатлари билан 0,02 гектарли ер участкаларида 2-3 хонали бир қаватли уй-жойлардан;

I тоифага кирадиган шаҳарларда ҳамда Тошкент шаҳрининг туманларида – олтитагача кўп қаватли уйлардаги хонадонлардан (2-3 хонали);

II тоифага кирадиган шаҳарларда – ўнтағача кўп қаватли уйлардаги хонадонлардан (2-3 хонали).

4. Комиссиянинг тавсиялари асосида уй-жой курувчиларнинг Дастурдаги иштироки ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

2-боб. Арzon уй-жой бериш учун аризаларни қабул қилиш, талабгорларни танлаб олиш ва уларга ёзма тавсиялар бериш тартиби

5. Ариза берувчи талабгор сифатида ёзма тавсияни олиш учун Комиссия раисига доимий яшаш жойи бўйича ушбу Низомга 2 ва 3-иловаларга мувофиқ шакл бўйича сўровнома-ариза ва хужжатларни (кейинги ўринларда ариза деб аталади) тақдим этади.

6. Ариза берувчи Комиссияга тақдим этиладиган хужжатларнинг ишончлилиги учун жавоб беради.

7. Ариза туман (шаҳар) комиссияси раисининг қарори билан тайинланадиган ваколатли шахс томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, қабул қилинган аризанинг нусхасига – қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда тилхат билан ариза берувчига топширилади.

8. Аризалар ҳисоби ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ алоҳида рўйхатдан ўтказиш журналида (кейинги ўринларда журнал деб аталади) юритилади. Журнал рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва Комиссиянинг ваколатли шахси томонидан муҳрланган бўлиши керак.

Ҳар бир аризага журналда такрорланмайдиган рўйхатдан ўтказиш рақами берилади. Аризалар журналга кетма-кетликда, улар олинишига қараб киритилиши талаб этилади.

Аризани журналда дастлаб рўйхатдан ўтказмасдан кўриб чиқиши тақиқланади. Комиссия аризаларни уларнинг журналда қайд этилиши навбатлилигига кўра кўриб чиқиши шарт.

9. Ариза ва тақдим қилинган хужжатлар ариза берувчиларнинг уй-жойга мухтоҷ хотин-қизлар тоифаси эканлигини аниқлаш мақсадида Комиссия томонидан ушбу Низомнинг талабларига мувофиқлиги юзасидан Дастурда иштирок этиш учун ариза ва хужжатлар тақдим этилишининг охирги санаси тугаган кундан бошлаб 15 иш куни ичida кўриб чиқилади. Кўриб чиқиши якунлари бўйича ижтимоий устуворлик мезонлари асосида танлов натижалари тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

Дастурда иштирок этиш учун ариза ва хужжатлар тақдим этилишининг охирги санаси тугагандан кейин тақдим қилинган аризалар қабул қилинмайди.

10. Комиссия томонидан аризани кўриб чиқишида уй-жойга мухтоҷ хотин-қизларни аниқлаш қўйидаги ижтимоий мезонлар асосида амалга оширилади:

- а) ариза берувчida мулк ҳукуқи асосида турар жойнинг йўқлиги ва тураржойда ижара шартларида ёки яшаш учун яроқсиз турар жойда яшashi;
- б) бошқа оила (оилалар) билан бир уйда (бир хонадонда) яшashi;
- в) кўп болалилик (уч ва ундан ортиқ);
- г) ариза берувчи оиласининг даромади;

д) ижтимоий хусусиятига кўра алоҳида хонада яшаши керак бўлган (сил, тери-таносил касалликларининг оғир кўриниши, қандли диабетнинг йирингли яллиғланиши, псориаз) бемор аёллар (туман тиббиёт бирлашмасининг хulosаси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи маълумотномаси асосида);

е) ариза берувчининг оила аъзолари орасида биринчи гурух ногиронлиги бўлган шахсларнинг мавжудлиги;

ж) ариза берувчи уй-жой майдонининг конун хужжатларида назарда тутилган (бир шахс учун умумий уй-жой майдони 16 кв. метрдан кам бўлмаган, курси-коляскадаги ногиронлар учун 23 кв. метрдан кам бўлмаган) уй-жой майдонининг ижтимоий нормасига мувофиқ эмаслиги;

з) биринчи гурух ногиронлиги бўлган ёлғиз аёллар;

и) ёлғиз ўзи ушбу Низомга 5-иловадаги рўйхатда назарда тутилган оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган бола парваришлаётган аёллар (туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмитаси маълумотномаси ва тиббиёт бирлашмаси хulosаси асосида);

к) кам таъминланган оиласи ёлғиз ўзи икки ва ундан ортиқ вояга етмаган фарзандларни тарбиялаётган аёллар (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи маълумотномаси асосида).

11. Комиссия ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган муддат ичida ариза берувчининг уй-жой шароитларини ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ижтимоий мезонларга мувофиқлиги юзасидан ўрганади ва ушбу Низомга 6-иловада назарда тутилган ижтимоий мезонлардан келиб чиқиб ариза берувчининг ижтимоий устуворлигини белгилайди. Бунда ариза берувчиларнинг уй-жойга муҳтоҷлиги даражаси Комиссия томонидан қўйиладиган баллардан келиб чиқиб аниқланади ва ёзма тавсия биринчи навбатда энг юқори балл тўплаган ариза берувчиларга берилади.

Ариза берувчининг уй-жой шароитларини ўрганиш ва ижтимоий устуворлигини белгилаш якунлари бўйича ариза берувчida уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёж амалда мавжудлиги ёки йўқлиги тўғрисида ижтимоий устуворликни белгилаш якунлари бўйича олинган балларни кўрсатган ҳолда текшириш далолатномаси Комиссия томонидан ушбу Низомга 7-иловада белгиланган шаклда тузилади. Текшириш далолатномаси икки нусхада тузилади, унинг бир нусхаси имзо қўйдирилган ҳолда ариза берувчiga берилади.

12. Аризани кўриб чиқиши ва уй-жой шароитларини ўрганиш натижалари бўйича Комиссия ариза кўриб чиқилгандан сўнг бир иш куни мобайнида ариза берувчiga кейинчалик инжиниринг компаниясининг филиалларига тақдим этиши учун ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ шакл бўйича ёзма тавсия беради.

Агар ёзма тавсия бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Комиссия рад этишнинг аниқ сабабларини ва ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб хужжатларни такроран кўриб чиқиши учун тақдим этиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда ариза берувчiga бир иш куни мобайнида ёзма шаклда хабарнома юборади (топширади).

Бунда, ариза берувчи ёзма тавсия бериш рад этилишининг сабабларини бартараф этишга ва хужжатларни такроран кўриб чиқиши учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддатни ёзма тавсия бериш рад этилиши тўғрисидаги ёзма хабарнома олинган кундан бошлаб беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

13. Ёзма тавсия Комиссия томонидан ариза берувчига икки нусхада берилади.

Бир нусхаси талабгор томонидан унинг дастлабки шартномани тузиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун инжиниринг компаниясининг филиалига тақдим этилади. Иккинчи нусха эса талабгор томонидан доимий яшаш жойи бўйича иштирок этувчи тижорат банкининг тегишли филиалига бериладиган ипотека кредити бериш тўғрисидаги аризага илова қилинади.

14. Комиссия ёзма тавсиянинг тўғрилиги ва ўз вактида берилиши, шунингдек, уни беришнинг асоссиз равишда рад этилиши учун жавоб беради.

15. Комиссия томонидан ариза берувчига ёзма тавсия бериш куйидаги холларда рад этилади:

а) ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган холда тақдим этилиши;

б) ҳужжатларнинг Дастурда иштирок этиш учун ариза ва ҳужжатлар тақдим этилишининг охирги санаси тугагандан кейин тақдим этилиши;

в) тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги;

г) ариза берувчининг уй-жой шароитларини, шу жумладан, унинг ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ижтимоий мезонларга мувофиқлиги юзасидан ўрганиш якунлари бўйича тузилган текшириш далолатномасида ариза берувчидан уй-жой шароитларини яхшилашга эктиёж йўқлиги ҳолатининг асосли кўрсатилиши;

д) уй-жойга муҳтоҷ шахснинг никоҳи сўнгги уч йилда бекор қилинган тақдирда.

Ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа асослар бўйича ёзма тавсия бериш рад этилишига йўл қўйилмайди.

16. Ёзма тавсия бериш рад этилиши тўғрисидаги ёзма хабарномада кўрсатилган муддат тамом бўлгандан кейин ариза берувчи томонидан берилган ариза кўриб чиқилмайди.

17. Ёзма тавсия бериш рад этилган ва аризалари ушбу Низомнинг 14-банди асосида кўриб чиқилмаган ариза берувчилар ушбу Низомнинг 6-бандига мувофиқ ёзма тавсия бериш тўғрисидаги такрорий аризани кейинги йилда беришга ҳақлидир.

З-боб. Талабгорларнинг аризаларини кўриб чиқиш ва уларга ипотека кредити бериш тартиби

18. Худудий комиссиялар Дастурда иштирок этиш учун ёзма тавсия берилган талабгорлар рўйхатини ҳар бир туман (шахар)да ҳар йили амалга оширилаётган Дастурлар доирасида ушбу Низомнинг 4-бандида белгиланган арzon уй-жойлар билан таъминлаш тартибига мувофик шакллантиради ва Комиссиянинг баённомаси билан тасдиқлайди. Рўйхатда талабгорларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили, паспортига оид маълумотлар, оила аъзолари сони ва бериладиган арzon уй-жойларнинг тури (кўшимча муҳандислик ва ижтимоий инфратузилма билан комплекс холда курилган кўп қаватли кўп хонадонли (2 ва 3 хонали) ва майдони 0,02 гектар бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 2 ва 3 хонали уйлар) аниқ кўрсатилади.

19. Комиссиянинг баённомаси ва тасдиқланган рўйхат тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шахар ва вилоят хотин-қизлар кўмиталарига уч иш куни ичида тақдим этилади.

20. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар хотин-қизлар кўмиталари тегишли худудий комиссиялар томонидан тасдиқланган уй-жойга муҳтож хотин-қизларнинг рўйхатларини туман (шахар)лар бўйича умумлаштиради ва уларни уч иш куни ичида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасига тақдим этади.

21. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси худудлардан қабул қилинган рўйхатлар асосида кам таъминланган хотин-қизларнинг республика бўйича рўйхатларини умумлаштиради ва Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-кувватлаш жамоат фондининг Васийлик кенгашига (кейинги ўринларда Васийлик кенгashi деб аталади) кўриб чиқиши учун киритади.

22. Васийлик кенгashi ўзининг йиғилишида талабгорлар рўйхатни кўриб чиқади ва йиғилиш қарори билан Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-кувватлаш жамоат фондига уларнинг бошлангич бадалларини тўлаш учун тақдим этади.

23. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, “Қишлоқ қурилиш инвест”, “Ўзшаҳар қурилиш инвест” инжиниринг компаниялари талабгорлар ишлайдиган ташкилотлар билан биргаликда республика бўйича рўйхатлар асосида ҳудудларда арzon уй-жойларни қуриш учун талаб этиладиган маблағларни, шу жумладан, дастлабки бадал тўловларини белгиланган тартибда аниқлайди.

24. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази билан биргаликда арzon уй-жойларни қуриш учун талаб этиладиган дастлабки бадални Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-кувватлаш жамоат фонди ҳисобига, шунингдек талабгор кам таъминланган, доимий даромадга эга бўлмаган ва кредитни қоплашга лаёқати етарли бўлмаган тақдирда у ишилаётган ташкилот, Ўзбекистон Касаба ўюшмалари Федерацияси Кенгashi, “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг маблағлари ҳамда қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига талабгорнинг жамғарма омонат ҳисоб рақамига ўтказилишини назорат қиласи.

25. Инжиниринг компаниясининг филиали Дастурлар доирасида арzon уй-жойлар қуриш бўйича талабгорларнинг аризаларини қабул киласи ва кўриб чиқади ҳамда белгиланган тартибда улар билан дастлабки шартномаларни тузади.

Инжиниринг компаниясининг филиали билан дастлабки шартномаларни тузган талабгорлар иштирок этувчи тижорат банкининг тегишли филиалига ипотека кредити бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қиласидилар.

26. Ипотека кредити бериш тўғрисидаги аризага қуйидаги хужжатлар илова қилинади:

а) ёзма тавсия;

б) кредит олишнинг мақсади, таъминланганлиги, кредит муддати ва суммаси кўрсатилган ҳолда ипотека кредити олишга буюртманома;

в) талабгор (биргаликда қарз олувчи) нинг паспорти нусхаси;

г) яшаш жойидан оила таркиби тўғрисидаги маълумотнома;

д) талабгор (биргаликда қарз олувчи) нинг молиявий аҳволини тасдиқловчи ҳужжатлар;

е) дастлабки бадал жамғарма омонат ҳисоб рақамига жойлаштирилганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

ж) инжинииринг компаниясининг филиали билан тузилган дастлабки шартноманинг нусхаси.

27. Иштирок этувчи тижорат банкининг филиаллари амалдаги тартиб асосида талабгорларнинг ипотека кредити бериш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқади.

28. Талабгорларни танлашда иштирок этувчи тижорат банкининг филиали Комиссия томонидан белгиланган ижтимоий устуворликни ва ёзма тавсияни эътиборга олган ҳолда талабгорларнинг кредитга лаёқатини баҳолайди.

29. Талабгор (биргаликда қарз олувчи) учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар:

талабгорнинг ўз маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

талабгор кам таъминланган, доимий даромадга эга бўлмаган ва кредитга лаёқати етарли бўлмаган тақдирда у ишилаётган ташкилот, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

30. Ипотека кредити бериш рад этилган талабгорлар кейинги йилда Комиссия томонидан ёзма тавсия олганидан сўнг белгиланган тартибда ипотека кредити бериш тўғрисида такроран ариза беришга ҳақлидир.

4-боб. Якунловчи қоидалар

31. Аризани кўриб чиқиши жараёнида келиб чиқадиган низолар белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

32. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-кизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уйжой шароитини яхшилашга муҳтоҷ оналарга арzon уйлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга 1-илова

**Тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги хузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссиянинг тавсиялари асосида
қишлоқ жойларда арzon уй-жойлар куриш дастурида уй қурувчиларнинг иштирок этиши
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Ёзма тавсияни олиш учун доимий яшаш жойи бўйича тегишли Комиссияга ариза берувчининг белгиланган ижтимоий мезонларга мувофиқлигини тасдиқлайдиган хужоатларни илова қилган ҳолда сўровнома-ариза беради.	Белгиланган қабул кунларида
2-босқич	Тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги хузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссия	Ариза берувчининг доимий яшаш жойи бўйича Комиссия аризани ушбу Низомнинг талабларига мувофиқлик юзасидан кўриб чиқади. Аризани кўриб чиқиши ва уй-жой шароитларини ўрганиш натижалари бўйича тегишли Комиссия ариза берувчига ёзма тавсияни беради ёки ариза берувчини рад этишининг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма тавсия бериш рад этилишидан хабардор қилади. Дастурда иштирок этиш учун ёзма тавсия берилган уй-жойга муҳтоҷ хотин-кизларнинг рўйхатини тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-кизлар қўмитасига тақдим этади.	15 кун иш ичида 3 иш куни ичида
3-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Хотин-кизлар қўмиталари	Комиссиялар томонидан тақдим этилган рўйхатлар асосида уй-жойга муҳтоҷ хотин-кизларнинг рўйхатларини туман (шаҳар)лар бўйича умумлаштиради ва уларни Ўзбекистон Хотин-кизлар қўмитасига тақдим этади.	3 иш кун ичида
4-босқич	Ўзбекистон Хотин-кизлар қўмитаси, Вазирлар Мажкамаси хузуридаги “Оила”	Худудларда шакллантирилган уй-жойга ўта муҳтоҷ ёки уй-жойини кенгайтиришга муҳтоҷ бўлган оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-кизларнинг рўйхатлари асосида арzon уй-жойларни куриш учун талаб этиладиган маблаглар аниқланади.	Бир ой муддатда

	илмий-амалий тадқиқот маркази, “Кишлөк курилиш инвест”, “Ўзшахар курилиш инвест” инжиниринг компаниялари	Арzon уй-жойларни қуриш учун талаб этиладиган дастлабки бадал талабгорларнинг жамғарма омонат хисоб рақамига жойлаштирилишини таъминлайди.	
5-босқич	“Кишлөк курилиш инвест”, “Ўзшахар курилиш инвест” инжиниринг компаниялари филиаллари	Инжиниринг компаниясининг филиали Дастурлар доирасида арzon уй-жойлар қуриш бўйича талабгорларнинг аризаларини қабул қиласи ва кўриб чиқади ҳамда белгиланган тартибда улар билан дастлабки шартномаларни тузади.	Белгиланган муддатларда
6-босқич	Иштирок этувчи тижорат банки филиали	Инжиниринг компаниясининг филиали билан дастлабки шартномани тузган талабгор ипотека кредити бериш тўғрисидаги ариза (тегишли туман ҳокимлиги ҳузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссиянинг ёзма тавсияси илова қилинган холда) билан иштирок этувчи тижорат банкининг тегишли филиалига мурожаат қиласи. Иштирок этувчи тижорат банкининг филиаллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белигиланган талаблар ва муддатларга мувофиқ талабгорларнинг ипотека кредити бериш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқади.	Белгиланган муддатларда

11.	Туар жойи бўйича туман даволаш-профилактика муассасанинг врачлик-маслаҳат комиссияси (ВМК) маълумотномаси ёки ариза берувчининг оила аъзолари орасида сурункали касалликнинг оғир турларига чалинган ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ алоҳида хонада ящашга муҳтож бўлган шахснинг мавжудлиги ҳолатида – туманлараро (туман) ТМЭК маълумотномаси	Низомнинг 12-банди “д” кичик бандида кўрсатилган мезон	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
-----	--	---	--------------------------	--------------------------

Хужжатларни қабул қилди:

Сана: 20 йил “ ”

(имзо)

(Ф.И.О.)

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қызларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яҳшилашга муҳтож оналарга арzon уйлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга
З-илова

СЎРОВНОМА-АРИЗА

Ариза № -----
Қабул қилиш санаси -----
Аризани қабул килган шахс -----

1. _____	Фамилияси	Исми	Отасининг исми
2. Манзил:	аҳоли пункти	тумани	вилояти
3. Туғилган санаси	_____ / _____ / _____	4. Солик тўловчининг идентификация рақами (СТИР) _____	
5. Оиласий ахволи	6. Асосий фаолият тури (бандлик):	7. Ҳар ойлик даромад миқдори: _____	
_____ турмушга чиқмаган _____ турмушга чиқкан _____ ажрашган _____ бева	_____	_____	
8. Оила аъзоларингизни уларнинг ёшини кўреатган ҳолда санаб ўтинг:	9. Кўйидаги шахслар Сизнинг оиласигизда яшайдими? Агар яшаса, сонини кўреатинг: 1. Биринчи гурух ногирони _____ киши 2. Сурункали касалликларнинг оғир турларига чалингандар _____ киши 3. Оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалингандар _____ киши	10. Ҳозирги вактда оиласинг бир аъзосига тўғри келадиган турар жой майдони: _____ кв.м.	
1. _____, ёш: _____ 2. _____, ёш: _____ 3. _____, ёш: _____ 4. _____, ёш: _____ 5. _____, ёш: _____ 6. _____, ёш: _____	_____	_____	
11. Сизнинг ҳозирги турар-жойингизнинг хукукий мақоми: _____ мулк _____ ижара _____ мулкдор рухсати билан бепул яшаш	12. Қайси турдаги арzon уй-жойдан олмоқчисиз? _____	13. Сизнинг алоқа қилиш учун маълумотларингиз? эл.почта: _____ уй тел: _____ иш тел: _____ уяли тел: _____	

Мен 2017-2021 йилларда қишлоқда/шаҳарда арzon уй-жойлар куриш дастури доирасида уй-жой олишдан манбаатдорлигимни билдираман ва юкорида кўрсатилган маълумотларнинг ҳакиқийлигини тасдиқлайман. Паспорт ва ижтимоий мезонларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари илова қилинади.

имзо

кун ой йил

Оғир ижтимоий вазиятта түшиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашган муҳтоҷ оналар учун қулай шароитларга эга арzon уй-жойлар бериш тартиби тўгрисида низомга
4-илова

**Арzon уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этиш учун
оғир ижтимоий вазиятта түшиб қолган хотин-қизлардан аризаларни рўйхатга олиш
ЖУРНАЛИ**

Бошланиши: 2018 йил _____

АРИЗАЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ЖУРНАЛИ

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-кизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтоҷ оналарга арzon уйлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

Оғир ногиронликка олиб келувчи касалликлар РЎЙХАТИ

1. Церебрал фалаж ва бошка фалажли синдромлар (қўл-оёқларнинг узок вақт фалажлиги ёки чуқур парезлари, турғун иккиламчи тарқоқ атетоз типидаги гиперкинезлар, хореоатетоз, координациянинг яққол бузилиши).
2. Ташхиси тасдиқланган насл-генетик ва дегенератив касалликлар (стабил ва зўраювчи турлари).
3. Келиб чиқиши ҳар хил бўлган ақлий заифликнинг чуқур ва оғир тури.
4. 6 ой давом этадиган (сурункали) оғир шизофрения ва бошка руҳий бузилишлар ва хулқ-атвор бузилишлари.
5. Менингоэнцефалитнинг (энцефалитнинг) 2 йил ва ундан ортиқ доимий равишда даволашга қарамай тикланмаган (чуқур парез, плегия, парапарез, параплегия, трипарез, триплегия, гемиплегия, гемипарез, тетрапарез, тетраплегия, афазия, дизартрия, парциал ва генераллашган эпилептик хуружи, руҳий, ақлий заифликнинг ўрта, чуқур ва оғир ҳолатлари) турғун асоратлари.
6. Кўзнинг кўрлиги (0 дан 0,02 гача қамраб олинган).
7. Туғма ва орттирилган тусдаги бронх-ўпка касалликларида II-III даражали турғун нафас етишмовчилиги. Астманинг гармонга боғлик тури.
8. Сил касаллиги сурункали кечиши (ўпка, суяқ ва бўғимлар сили, сийдиктаносил органлари сили, сил менингоэнцефалитлари асоратлари билан ва бошқалар).
9. Сурункали буйрак етишмовчилигининг III-босқичи.
10. Диабетик нефросклероз.
11. Инкурабел ёмон сифатли ўсмаларнинг оғир шакли.
12. Тузатиб бўлмайдиган доимий нажас ва сийдикни тутаолмаслик, йўғон, тўғри ичак ва орқа чиқарув тешигининг туғма ва орттирилган оқмалари, сийдиктаносил аъзолари оқмалари.
13. Суяқ-мушак система ва бириктирувчи тўқима касалликларида яққол қайта тикланмайдиган функционал бузилишлари:
 - а) бир ёки иккала оёқ ва қўлларда туғма ва орттирилган оғир даражадаги деформациялар;

б) анкилоз, контрактура, патологик синиш, скелет деформациясига олиб келадиган умуртқа поғонасининг тизимли заарланиши;

в) таянч-харакат аппаратининг ривожланиш нүқсонлари туфайли мустақил ҳаракат ва ўзига ўзи хизмат қилиш имконияти йўклиги.

14. Қандли диабет (инсулинга бөглиқ қандли диабет);

15. Қандсиз диабет (питиутрин-резистент шакли), Иценго-Кушинга синдроми, сурункали буйрак усти безларининг бошқа бузилишлари (Адиссон кризи), тотал адреноэктомиядан кейинги ҳолати, буйрак усти бези пўстлогининг оғир туғма дисфункцияси, оғир туғма йод етишмовчилиги синдроми, гипофизар нанизм, туғма ва орттирилган гипотиреознинг оғир шакли, гипопаратиреоз, тиреотоксикоз.

16. Лейкозлар, гемобластозлар, Ходжкин касаллиги (лимфогрануломатоз), ҳавфли гистиоцитоз.

17. Қон ишлаб чиқаришнинг туғма ва орттирилган апластик анемиялар.

18. Гемофилия оғир турлари.

19. ОИВ инфекциясининг III-IV даражаси.

20. Туғма аномалияларнинг оғир турлари.

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласида тарбиялаётган ва уйжой шароитини яхшилашга муҳтоҷ оналарга арzon уйлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга
6-илова

**Арzon уй-жойлар қуриш дастури доирасида оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг ижтимоий устуворлигини белгилашнинг
ИЖТИМОИЙ МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Омиллар	Балл	Тасдиқ
1.	Ариза берувчи оиласининг бир аъзосига тўғри келадиган жами ҳар ойлик даромад (энг кам ойлик иш ҳақида хисобланган - ЭКОИХ)		Иш жойидан маълумотнома ёки солик декларацияси
	ЭКОИХнинг 1,5 бараваридан кам	10	
	ЭКОИХнинг 1,5дан 2,5 бараваригача	5	
	ЭКОИХнинг 2,5дан 3 бараваригача	3	
	ЭКОИХнинг 3 бараваридан кўп	0	
2.	Ариза берувчи яшаётган уй хўжалигига бир кишига тўғри келадиган турар жойнинг умумий майдони		Кадастр ишининг нусхаси ва тегишли туман (шахар) ҳокимлиги хузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссиянинг далолатнома асосидаги текширув натижалари
	16 кв.метрдан кам	10	
	16 - 20 кв.метр	6	
	20 кв.метрдан кўп	2	
3.	Ариза берувчи биринчи гуруҳ ёлғиз ногирон аёл	10	Туман (шахар) хотин-қизлар кўмитаси ва туман (шахар) тиббиёт бирлашмаси хулосалари
4.	Кам таъминланган оиласида ёлғиз ўзи вояга етмаган фарзандларни тарбия қилаётган аёл	10	Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хулосалари
5.	Оиласида қўйидаги шахслар мавжудлиги:		Паспорт ва конун хужжатларига мувофиқ тасдиқловчи хужжатлар асосида тегишли туман (шахар) ҳокимлиги хузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссия баҳолаши
	биринчи гуруҳ ногирони	10	
	сурункали касалликнинг оғир турларига чалингнлар	10	
	оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалингнлар фарзандлар	10	
6.	Ариза берувчи ёлғиз боқувчига эга оила вакили ёки оила боши - аёл	10	Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хулосалари
7.	Ҳозирги турар жой мақоми:		Конун хужжатларига мувофиқ тасдиқловчи хужжатлар асосида тегишли туман (шахар) ҳокимлиги хузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссия баҳолаши
	Ижара	10	
	Эгасининг рухсати билан текин турар жой	6	
	Тўлиқ ўз мулкида	2	
Энг юқори балл		90	

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган
хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган,
кам тъминланган, фарзандларини
тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй-
жой шароитини яхшилашга муҳтож
оналарга арzon уйлар бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
7-илова

**Ариза берувчининг уй-жой шароитларини текшириш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

20 ____ йил “ ____ ”

тумани (шахар) хузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссия
куйидаги таркибда

(Комиссия аъзоларининг Ф.И.О.)

_____ (дача, массив) _____ кўчаси, _____ -уй, _____ -корпус, _____ -
квартирада яшаётган фукаро _____ (Ф.И.О.)

туар жой шароитларини текширувдан ўтказди ва қуидагиларни аниклади:

1. _____ уйда эгаллаб турилган туар жойнинг
_____ умумий майдони _____ кв.м. яшаш майдони _____ кв.м. _____ хоналардан иборат.

Ҳар бир хонанинг ўлчами _____ кв.м.
_____ кв.м.
_____ кв.м.

_____ -қаватли уйнинг, _____ -қаватида _____ хоналар.

Уй _____
(ғишт, панель, ёғоч, эски, авария ҳолатида)

Хоналар _____
(курук, зах, ёруг, қоронги)

Квартира _____
(алоҳида, коммунал)

2. Уй-жойнинг (туар жойнинг) ободонлаштирилиши:

(сув таъминоти, канализация, иситиш (марказий, печь билан), пардоз берилган, иссик сув, ванна, телефон)

3. _____
(Ф.И.О.)
(туар жойни ижарага олувчи, уй эгаси (кераклисининг таги чизилсин))

4. Ушбу туар жой майдонида яшовчилар:

T/р	Ф.И.О.	Туғилган санаси	Қариндошлик муносабатлари	Бандлиги (фаолият тури)	Ногироилик гурӯҳи / Сурункали касаллигининг даражаси
1.					
2.					
3.					
4.					
5.					
6.					
7.					

5. Оила моддий ҳолатининг даражаси (паст, ўрта, юқори) ва бундай баҳоланишнинг сабаблари:

6. Туар жойнинг яшаш учун яроқсизлиги сабаблари:

7. Комиссиянинг хulosаси:

Комиссия аъзоларининг имзолари:

- _____ (имзо) _____ (лавозими)
(Ф.И.О.)

5. _____ (имзо) _____ (лавозими)
(Ф.И.О.)
6. _____ (имзо) _____ (лавозими)
(Ф.И.О.)
7. _____ (имзо) _____ (лавозими)
(Ф.И.О.)
8. _____ (имзо) _____ (лавозими)
(Ф.И.О.)

Ариза берувчи: _____ (имзо) _____
(Ф.И.О)

20 ____ йил “ ____ ” _____

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолған хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга мухтоҷ оналарга арzon уйлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга
8-илова

“Қишлоқ қурилиш инвест” / “Ўзшахар қурилиш инвест” инжиниринг компанияси ва иштирок этувчи тижорат банкининг филиалларига тақдим этиш учун оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолған хотин-қизларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжи мавжудлиги тўғрисида _____ тумани (шахар) ҳокимлиги хузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссиянинг
ЁЗМА ТАВСИЯСИ

№ _____

Дастур доирасида арzon уй-жой куриш учун “Қишлоққурилишинвест” / “Ўзшахар қурилиш инвест” инжиниринг компанияси филиали билан дастлабки шартномани тузиш ва иштирок этувчи тижорат банкининг филиалида ипотека кредити олиш учун

(доимий яшаш жойининг манзили қўрсатилади)

Манзилида доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси (талабгор)

_____ га
(Ф.И.О.)

берилди.

Ушбу тавсия _____ туман (шахар) ҳокимлиги хузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссия томонидан тузилган 20 ____ йил “____” _____ даги ____-сон Ариза берувчида уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёж амалда мавжудлиги ёки йўклиги тўғрисида уй-жой шароитларини текшириш далолатномасига мувофиқ берилди.

Бунда, _____

(талабгорнинг Ф.И.О.)

Куйидаги ижтимоий мезонларга мувофиқлиги инобатга олинган:

- 1) _____ ;
2) _____ ;
3) _____ .

(Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолған хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга мухтоҷ оналарга арzon уйлар бериш тартиби тўғрисида низомнинг 12-бандида назарда тутилган ижтимоий мезонлар қўрсатилади)

Ушбу ёзма тавсия Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида” 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639-сон (ёки “2017-2020 йилларда шаҳарларда арzon кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиши дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 23 октябрдаги ПҚ-3350-сон) қарорига ва Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолған хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга мухтоҷ оналарга арzon уйлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ берилди.

Комиссия раиси

_____ (имзо / мухр)

(Ф.И.О)

Комиссия котиби

_____ (имзо / мухр)

(Ф.И.О)

20 ____ йил “____” _____

(берилган сана)

